

## АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ ОШИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИ

Ақбарова Барно

ТДИУ “Статистика” кафедраси доц.

Алиев Авазхон

ТДИУ магистранти

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистонда аҳоли даромадлари шаклланиши ва унга таъсир этувчи омилларни аҳоли даромадларини ошириш ҳамда прогноз кўрсаткичлари ҳисобланган.

**Калит сўзлари:** аҳоли даромади, аҳоли турмуш даражаси, аҳоли жон бошига даромадлар, уй хўжалиги истеъмоли

Бугунги кунда халқаро ташкилотлар томонидан дунё аҳолиси турмуш даражасини яхшилаш ва камбағалликдан азият чекаётган давлатларга кўмаклашиш мақсадида БМТ Бош Ассамблеясида 2000 йилда қабул қилинган «Минг йиллик тараққиёт дастури» ҳамда 2015 йилда қабул қилинган «2030 йилгача мўлжалланган барқарор ривожланиш мақсадлари дастури»<sup>46</sup> бевосита жаҳон аҳолисини иқтисодий-ижтимоий қўллаб-куватлаш, шунингдек, экология бузилишининг олдини олган ҳолда аҳоли саломатлигини асрашга қаратилган муҳим ишлар сирасига киради.


Одатда, аҳоли турмуш даражаси аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар миқдори ва яқуний истеъмол ҳажмининг ортиши ёки камайиши билан баҳоланади. Аммо аҳоли турмуш даражаси сифатини баҳоловчи кўрсаткичлар анча кенгрөк тушунча ҳисобланади<sup>47</sup>.

МХТ халқаро стандартида аҳоли турмуш даражаси сифатига таъсир кўрсатувчи асосий омиллардан бири ҳисобланган аҳолининг умумий ва жон бошига даромадлари кўрсаткичларини шакллантириш қўйидаги тартибда амалга оширилади. Яъни уй хўжаликларининг истеъмолга қодирлигини аниqlаш мезони сифатида фойдаланиладиган муҳим индикатор – умумий даромадлар (жорий тушумлар) ҳисобланади, чунки улар истеъмол қилиш ёки жамғариш имкониятини

<sup>46</sup>БМТнинг 2015 йилда қабул қилинган «2030 йилгача мўлжалланган барқарор ривожланиш мақсадлари дастури». <http://www.un.uз/uzb/pages/display/sdgs>

<sup>47</sup>Башкатов Б.И. Социально-экономическая статистика. Учебник. М.:ЮНИТИ-ТДАНА, 2002. 581с.

оширишни таъминлайди<sup>48</sup>.



### 1-расм. Миллий ҳисоблар тизими услубияти асосида аҳолининг умумий даромадлари таркиби

Халқаро статистикада умумий даромад «бирламчи даромад» ва «трансферлардан олинган даромадлар»га бўлинади<sup>49</sup>, ўз навбатида, бу бандлик ҳолати ёки ижтимоий таъминот тизимига боғлиқ ҳолда институционал ўзгаришлар таъсирини кузатиш имконини беради ва қуидагиларни ўз ичига олади<sup>50</sup> (1-расм): Бирламчи даромадлар, ўз навбатида, ишлаб чиқаришдан олинган даромадлар (мехнат фаолиятидан олинган даромад ва шахсий истеъмол учун ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадлар) ва мол-мулқдан олинган даромадларни ўз ичига олади.

Мехнат фаолиятидан олинган даромад ёлланма ишчиларнинг ва мустақил равища банд бўлган аҳолининг даромадидан таркиб топади. Ёлланма ишчиларнинг даромади – бу натура ва қиймат шаклида меҳнатга ҳақ тўлаш кўринишидаги даромадлардир.

Мустақил равища банд бўлишдан олинган даромадлар – мустақил равища ташкиллаштирилган ва уй хўжалиги аъзолари жалб қилинган меҳнат жараёни натижасида олинган даромадлардир.

<sup>48</sup>Макроиктисодий статистика. Дарслик. Акад. С.Ғуломов таҳрири остида. Т.: Дитаф, 2002. 98 6.

<sup>49</sup>Система национальных счетов, 2008г., Европейская комиссия, ООН, МВФ, ОЭСР, ВБ, Нью Йорк, 2012.

<sup>50</sup>Система национальных счетов, 2008г., Европейская комиссия, ООН, МВФ, ОЭСР, ВБ, Нью Йорк, 2012.

Шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадларга бозор учун мўлжалланмаган ва уй-жой эгалари томонидан фойдаланилаётган турар-жой хизматларининг шартли равишда ҳисобланган қиймати киради.

Мол-мулқдан олинган даромадлар (мулкий даромадлар) – мулкка эгалик ҳуқуқи бўлган молиявий ва номолиявий активларни бошқа шахсларга фойдаланиш учун берилишидан олинган даромадларни ифодалайди.

«Трансферлардан олинган даромадлар эса ижтимоий трансферлар (пенсия, нафақа ва стипендиялар) ва бошқа жорий трансферлардан иборат»<sup>51</sup>.

Таҳлилларга асосан, «2022 йилнинг дастлабки ҳисоб-китобларига кўра, аҳоли жон бошига ўртacha умумий даромадлар 3,2 млн. сўмни ташкил этди. Аҳоли умумий даромадлари таркибида ишлаб чиқаришдан келган тушумлар улуши 70,3 фоизни, шундан 62,5 фоизи меҳнат фаолиятидан олинган, 7,8 фоизи шахсий истеъмол учун ишлаб чиқарилган шахсий хизматлардан олинган даромадларни ташкил этган»<sup>52</sup>. Бозор шароитида асосий иш жойидан бериладиган иш ҳақи аҳолининг аксарият қисми учун етакчи даромад манбаи ҳисобланади»<sup>53</sup>.

Халқаро статистика амалиётида аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот, ялпи миллий даромад, инсон тараққиёти индекси, аҳолининг маълум гурӯхлари бўйича табақаланиш коэффициентлари каби кўрсаткичлар ҳам қўлланилади. Шу боис республикамиз ҳудудлари бўйича даромадлилик ва улар ўртасидаги тафовутлар ҳам таҳлил этилиб, илмий холосалар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотда аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини статистик ахборотлар базасининг асосий манбалари тадқиқ этилган. Уларга қуйидагилар киради:

меҳнат бўйича ташкилотларнинг статистик ҳисботи (иш ҳақи ва ишловчиларга пул тўловининг бошқа кўрсаткичлари);

уй хўжаликлари танлама кузатувлари: қишлоқ жойларида доимий истиқомат қилувчи фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини танлама кузатуви; турмуш кечириш даражаси бўйича танлама кузатуви;

демографик статистика маълумотлари, соғлиқни сақлаш статистикаси, ижтимоий таъминот статистикаси, таълим, маданият ва спорт статистикаси, уй-жой-коммунал хизматлар, ўрмон хўжалиги ва атроф муҳит статистикаси; миллий ҳисоблар тизими маълумотлари.

Ҳудудларда аҳоли даромадлари ҳисобини юритишида тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда уй хўжаликлари танланма ва жорий кузатув маълумотлари асосида

<sup>51</sup>Изоҳ: трансферлар – бу уй хўжаликларига товар, хизмат ёки актив эвазига қопланмасдан товарлар, хизматлар ва активларнинг келиб тушишидир.

<sup>52</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

<sup>53</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

шакллантирилади. Бу эса статистик кўрсаткичлар тизимини такомиллаштиришни тақозо этади. Шу боис аҳоли даромадлиигини таҳлил қилиш учун статистик кўрсаткичлар тизими таклиф этилди (2-расм).



**2-расм. Аҳоли даромадлиигини таҳлил қилиш учун статистик кўрсаткичлар тизими**

Ушбу таклиф этилаётган аҳоли даромадлиигини таҳлил қилиш учун статистик кўрсаткичлар тизими бошқа ижтимоий-иктисодий ва демографик кўрсаткичлар билан боғлиқлиги жараёнларини ҳар томонлама тўлиқ қамраб олиши билан аҳоли даромадларини комплекс статистик баҳолашга имкон беради.

Ўзбекистонда аҳоли даромадлари шаклланиши ва унга таъсир этувчи омилларни Пирсон корреляцион коэффициенти орқали таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Таҳлилимизни IBM SPSS статистикаси дастурий таъминот тўплами орқали амалга оширганимизда қўйидаги натижаларга эришдик.

Аҳолининг турмуш даражаси кўп қамровли ва кенг тавсифли тушунча бўлғанлиги сабабли, амалда турмуш даражаси аҳоли жон бошига реал даромадлар ёки жон бошига истеъмол даражаси кўринишида ифодаланади. Аҳоли жон бошига реал даромадлар ёки истеъмолнинг ўсиши эса айни пайтда бир қатор омилларга, авваламбор, ишчи кучи унумдорлигининг ўзгаришига ва унга таъсир этувчи бир қатор омилларга боғлиқ. Ишчи кучининг таълим даражаси ва унинг умумий ривожланиши, иқтисодиётда мавжуд капитал ҳажми ва унинг ҳар бир ишчига тўғри

келадиган миқдори ва бошқа омилларнинг ишлаб чиқаришдаги унумдорлиги каби омиллари ва 2000-2019 йиллар оралиғида уларнинг ўзгариш тенденциялари берилган. Келтириб ўтилган омилларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш мақсадида корреляцион таҳлилдан фойдаланилди, аммо умумий омил унумдорлиги кўрсаткичидан бошқа барча омилларда уларга таъсир этувчи умумий тенденциялар ва ностационарлик кузатилганлиги туфайли таҳлилдан аввал уларнинг биринчи фарқи ҳисоблаб чиқилди. Уларнинг корреляцион коэффициентлари Пирсон (Pearson) методи ёрдамида таҳлил қилинди.

Аҳоли даромадларига таъсир этувчи омилларнинг таъсир даражасини ўрганиш ва унинг келажак прогнозларини аниқлаш мақсадида ARIMA (Autoregressive Integrated Moving Average) моделидан фойдаландик. Моделимизда, аҳоли даромадларини қарам (мустакил бўлмаган) ўзгарувчи сифатида ва унга таъсир этувчи учта омил – ҳар бир ишчига тўғри келадиган капитал миқдори, таълим даражаси (индекси) ва умумий омил унумдорлик омилларини танлаб олдик. Бунда омилларнинг модел билан мослиги кўрсаткичларидан ҳам фойдаландик, яъни Р-квадрат ва стационар Р-квадрат кўрсаткичларининг энг катта кўрсаткичи ва нормаллашган ВІС кўрсаткичининг минимал кўрсаткичларига асосланган ҳолда танланди.

Model Statistics

Model	Number of Predictors	Model Fit statistics			Ljung-Box Q(18)			Number of Outliers
		Stationary R-squared	R-squared	Normalized BIC	Statistics	DF	Sig.	
Aholi jon boshiga daromadlar (2019 naxlarda)-Model_1	3	.613	.998	10.761	13.830	17	.679	0

Моделимизнинг Р-квадрат ва унинг ностационарликдан ҳоли кўрсаткичлари мос равишда 0.998 ва 0.613 ташкил этяпти ва танланган омилларнинг қарам ўзгарувчининг ўзгаришларидаги катта ахамиятини кўрсатмоқда. Куйидаги жадвалдан кўришимиз мумкинки, олинган уч омилнинг иккитасида Р-кўрсаткич коэффициентлар аниқлигини кўрсатиб бермоқда.

ARIMA Model Parameters


				Estimate	SE	t	Sig.
Aholijon boshiga daromadlar (2019 naxlarda)-Model_1	Aholijon boshiga daromadlar (2019 naxlarda)	No Transformation	Difference	1			
			MA	Lag 1	-.985	2.264	-.435
	Capital labor ratio rrrna	No Transformation	Numerator	Lag 0	.084	.018	4.533
			Difference		1		.000
	TFP growth	No Transformation	Numerator	Lag 0	75.228	20.973	3.587
	Education Index	No Transformation	Numerator	Lag 0	2744.407	4104.596	.669
			Difference		1		.514

Моделимизда фақатгина таълим даражаси коэффициенти аниқ эмаслиги эҳтимоли катта. Бу эса таълим даражаси (индекси)нинг аҳоли даромадларига таъсири статистик рақамларда ҳали аниқ акс этмаётганидан далолат бериши мумкин. Моделимиз ҳар бир ишчига тўғри келадиган капитал миқдори ва умумий омил унумдорлик каби омилларининг аҳоли даромадларининг ўзгаришида ижобий таъсир кўрсатишини кўрсатмоқда.

Forecast

Model	2020	2021	2022	2023	2024	2025	2026	2027	2028	2029	2030
Aholijon boshiga daromadlar (2019 naxlarda)-Model_1	Forecast	10,059.7	10,633.4	11,230.3	11,851.6	12,498.8	13,173.4	13,876.8	14,610.8	15,377.0	16,177.3
	UCL	10,389.0	11,355.0	12,196.7	13,012.6	13,826.4	14,649.0	15,487.0	16,345.3	17,227.5	18,137.1
	LCL	9,730.5	9,911.8	10,263.9	10,690.6	11,171.3	11,697.8	12,266.6	12,876.2	13,526.4	14,217.5

For each model, forecasts start after the last non-missing in the range of the requested estimation period, and end at the last period for which non-missing values of all the predictors are available or at the end date of the requested forecast period, whichever is earlier.



Олинган натижалар асосида аҳоли даромадлари даражасининг 2030 йилгача ўзгаришини прогноз қилиб кўрдик. Бунда уч омил – ҳар бир ишчига тўғри келадиган капитал миқдори, таълим даражаси (индекси) ва умумий омил

унумдорлиги омилларининг прогноз қилинаётган даврда йиллик ўзгариши уларнинг кўриб чиқилган 20 йиллик даврдаги ўртacha йиллик ўсишига, яъни мос равища 5,7, 1 ва 2 фоизга тенг деб қабул қилдик. ARIMA модели прогноз натижаларининг кўрсатишича, аҳоли реал даромадлари 2019 йилги 9,5 млн. сўмдан 2030 йилда солиштирма (2019 йилги) нархларда 17 млн. сўмдан ошиши мумкин. Бунда 95% ишончлилик даражасининг минимал ва максимал чегаралари (LCL ва UCL) мос равища 14,95 млн. сўм ва 19,08 млн. сўмни ташкил этмоқда.

Таҳлил натижалари кутилган натижалар билан бирга айрим кутилмаган натижаларни кўрсатмоқда. Масалан, аҳоли даромадлари ўзгаришининг ЯИМ реал ҳажми ва ишчи қучи унумдорлиги ўзгаришлари билан ўзаро боғлиқлиги кучли бўлса, унинг иқтисодиётдаги умумий ва ҳар бир ишчига тўғри келадиган капитал ҳажми билан боғлиқлиги ўртacha, лекин унинг аҳоли таълим даражаси индекси ва умумий омил унумдорлиги кўрсаткичлари билан корреляцион коэффициентлари салбий кўрсаткичга эга. Аммо бу омилларни бошқа омилларни назорат қилган ҳолда қисман корреляцион таҳлил қилишимизда уларнинг коэффициентлари ижобий натижа бермоқда.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ: (REFERENCES)**

1. БМТнинг 2015 йилда қабул қилинган «2030 йилгача мўлжалланган барқарор ривожланиш мақсадлари дастури» <http://www.un.uз/uzb/pages/display/sdgs>
2. Башкатов Б.И. Социально-экономическая статистика. Учебник. М.:ЮНИТИ-ТДАНА, 2002. 581с.
3. Макроиқтисодий статистика. Дарслик. Акад. С.Ғуломов таҳрири остида. Т.: Дитаф, 2002. 98 б.
4. Система национальных счетов, 2008г., Европейская комиссия, ООН, МВФ, ОЭСР, ВБ, Нью Йорк, 2012.
5. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.
6. Мухиддинова М.З. “Аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини оширишнинг иқтисодий механизми” автореферати 2023 йил